
ТУМАН ҲОКИМИНИНГ БИР КУНИ

Бугун Риштон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари С. Солиев 1-сектор ҳудудида жойлашган А. Навоий МФЙ ташриф буюриб, у ердаги шароитлар билан танишди. Туман ҳокими дастлаб МФЙ идорасига келди ва маҳалла нуронийси Йўлдошали Додобоев билан суҳбатлашди.

Туман ҳокимининг А. Навоий МФЙга қилинган ташрифининг иккинчи қисми мазкур маҳаллада жойлашган «Суфи Содиқ» қабристониди ўтди. 1-сектор раҳбари қабристондаги ободонлаштириш ишлари билан танишди ҳамда Риштон халқининг фахри бўлган Боқий домланинг қабрини зиёрат қилди.

Риштон тумани ҳокими С. Солиевнинг бугунги кун режасига А. Навоий МФЙга қарашли кутубхонага келиш ҳам киритилган эди. Режага кўра, 1-сектор раҳбари ушбу кутубхонага ташриф буюриб, у ердаги ҳолат билан яқиндан танишди.

Риштон тумани ҳокими С. Солиев А. Навоий МФЙга қилган ташрифининг сўнггида ушбу маҳаллада яшовчи ва «темир дафтар»га киритилган фуқаро Раъноҳон опа Вайдуллаева билан учрашиб, суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида Раъноҳон опа ҳукуратимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун ташаккур билдирди.

2020-10-08 16:18:32